Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 160 (5451).
18 ИЮЛЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет ҳукуматининг таклифига биноан 17 июль куни Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Кампучия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Чан Си Москвага келди.

● СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида синтетик аммиак, Россошандаги ССР Иттифоқи 60 йиллиги номли химия заводида ва Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли Новгород «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида минерал ўғит ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширишда эришилган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1984 йил 17 июль Фармони билан алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

16 июль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва бюджетининг 1984 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларидан ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қароридан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Республиканинг меҳнат коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида республика халқ хўжалигини янада муттасил ривожлантиришни таъминлашда янги муваффақиятларга эришганликлари мажлисда уқтириб ўтилди. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Пилла ва қоракўл тери тайёрлаш йиллик топшириқлари ошириб адо этилди. Асосий фондларни ишга тушириш ҳажми ошди.

Шу билан бирга масалани ўткир, танқидий муҳокама қилиш чоғида республиканинг айрим министрликлари ва идоралари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари ўз ишларини партия ва ҳукуматнинг ҳозирги талаблари руҳида қайта қурмаганликлари, план топшириқлари ва бюджетни бажаришда, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишда баъзи жиддий камчиликларни тугатмаганликлари қайд этилди.

Химия машинасозлиги министрлиги, Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш соҳасида ҳам, товар маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳам 1984 йилнинг январь-июнь планларини бажармадилар. Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Геология министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги корхоналари, шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областлари умуман маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилишини таъминламадилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Мева ва сабзавот хўжалиги министрлиги, Қурилиш министрлигида планни бажармаган ва ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган, белгиланган номенклатурадаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш топшириқларининг бажарилишини таъминламаган корхоналар, айниқса, кўп.

Пахта тозалаш саноати министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, бошқа бир қанча министрликлар ҳамда идораларнинг кўпгина корхоналари маҳсулот етказиб бериш ва шартномавий мажбуриятларни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш планини бажармадилар.

Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишда анчагина орқада қолишга йўл қўйилди.

Капитал қурилишдаги қолоқлик суст тугатилмоқда. Йилнинг биринчи ярми учун белгиланган планлар капитал маблағ ўзлаштириш соҳасида (96 процент), қурилиш-монтаж ишлари соҳасида (96 процент), асосий фондларни ишга тушириш соҳасида (86 процент) бажарилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, «Главташкентстрой»га, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли бир қанча қурилиш трестлари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари қониқарсиз ишламоқда.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги билан «Ўзбекбирлашув»нинг айбига кўра, товар обороти умумий ҳажми плани (98,1 процент) бажарилмади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани атиги 97,7 процент бажарилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарларидан ҳар бир қолоқ корхона ва хўжаликда, қурилиш ва ташкилотда ишлаб чиқариш планларининг бажарилишида йўл қўйилган колоқлик тугатилишини таъминлашни, уларга конкрет ёрдам беришни, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан белгиланган планлар ва олинган социалистик мажбуриятлар барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажарилишини таъминлашни қаттиқ талаб қилди.

Ҳукумат қабул қилган қарорда ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари — ҳамма соҳаларда давлат, план, меҳнат интизомини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, мавжуд ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш, барча резервларни сафарбар қилиш, хўжалик юритиш даражасини ошириш, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари камида 1 процент оширилишини ва маҳсулот таннархи қўшимча равишда 0.5 процент камайтирилишини таъминлаш йўллари белгиланди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Капитал қурилишда йўл қўйилган колоқликни тугатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планларининг барча кўрсаткичлар бўйича бажарилишини таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва бюджетни бажариш, социалистик мулкни ўғирлашга ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўзда тутилди.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

КРАН ВЕНГРИЯГА БОРАДИ

Венгрия Социалистик Республикаси — шаҳримиздаги «Подъёмник» заводининг доимий буюртмачиси саналади. Корхона бир неча йиллардан бери ўз маҳсулотларини шу мамлакатга муваффақият билан экспорт қилмоқда.

БУГУН

заводнинг асосий маҳсулоти — осма электр кранларнинг иккитаси венгриялик буюртмачилар учун жўнатишга тахт қилиб қўйилди.

2000 ТА КОМПРЕССОР

«Компрессор» заводининг фидокор ишчилари республикамизнинг қутлуғ юбилейини улкан муваффақиятлар билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Мусобақада М. Сулаймонов бошлиқ йиғувчилар бригадаси пешқадамлик қилмоқда.

БУГУН

ушбу бригада аъзолари йил бошидан бери тайёрлаган РКВМ — 6 маркали компрессорлар 2000 донадан ошиб кетди.

Тошкент корхоналарида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Бу ҳаракатдан термоизоляцион материаллар тажриба-экспериментал заводи коллективи ҳам четда қолаётгани йўқ. Корхонанинг ўнлаб ишчилари юбилей шарафига оширилган мажбуриятлар олиб, уни муваффақиятли адо этишяпти.

Суратларда: завод ишлаб чиқариш илғорлари пайвандчилар Х. Шокиров, Ш. Тожибоев, электр-слесарь В. Шулгин.

Т. Каримов фотоси.

● ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЙИЛЛИК ПЛАН—ЮБИЛЕЙГА

Пойтахтнинг Хуршид кўчаси замонавий турар жой биноларига бойиб боряпти. Кўча атрофида кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда. Шу кунларда бу ерда 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси яна бир 92 квартирали тўққиз қаватли уйни қўлдан чиқармоқдалар.

БУГУН

қурувчилар графикдан 20 кун илгарилаб кетдилар ва объектда қурилиш ишлари сўнгги босқичга кирди.

Юбилейолди социалистик мусобақасида фаол иштирок этаётган В. Саломохин бошлиқ бригада ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига йиллик планни бажариш учун курашмоқда. Бригаданинг Г. Архипов, С. Бурхонов, С. Маликов каби қурувчилари кунлик топшириқларни 130 процентга адо этиб, бу эзгу ниятга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

2-маршрутли такси корхонаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили ярим йиллик планини 105,4 процент қилиб адо этиб, ҳар куни 188 та машинада 50 мингга яқин йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Корхона «РАФ-22-03» маркали янги машиналар ҳисобига кўпайтирилганлиги сабабли йўловчилар кўп бўладиган 18, 31, 32, 27, 28, 101, 19-каби маршрутдаги машиналар сони янада оширилди.

БУГУН

Корхонада шу ойнинг охирига қадар йўловчилар учун хизматга чиқариладиган янги учта маршрутлар сони тасдиқланди. Ҳадемай, 33-маршрут бўйлаб саккизта машина Аэропортдан Чилонзор массиви орқали Бирлик массивига борадиган йўловчилар ҳожатини чиқаради. Бундан ташқари метронинг «Пахтакор» станциясидан Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб бешта машина Юнусободнинг 7-кварталига, 38-маршрут бўйлаб қатнайдиган маршрутли таксилар эса Студентлар шаҳарчасидан «Нукус» кинотеатри орқали 2-Қорақамиш массивининг I-микрорайонига чиқиб, 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонигача борадиган бўлади.

● Диққат, тажриба

ЯХШИ ТАШАББУС ҚИММАТИ

Ленин район партия комитетида партия ташкилотлари секретарлари билан бўлиб ўтган навбатдаги машғулотда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1984 йил биринчи ярмида, кенг миқёсли иқтисодий тажриба шароитида қўлга киритган ютуқлари ва иш услуби кўриб чиқилди. Ана шу масала юзасидан бирлашманинг бош директори А. Маҳмудов, бирлашма партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Н. Кривошеева, слесарь-йиғувчи В.Урванова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Коллективнинг тажриба шароитидаги иш услубини ўрганиш районда бошқа коллективларда ҳам тежамкорлик режимга риоя қилиш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича қўшимча резервларни қидириб топишда ёрдам беради, деб қайд этилди.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

Бу илғор комсомол-ёшлар бригадасини СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи»да жуда яхши билишади. Коллектив ёшлари шестернялар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, план-топшириқларини мунтазам 20—30 процентга ошиғи билан бажаришмоқда. Бригада ягона наряд асосида меҳнат қилгани учун, ҳамма ушбу илғор усулдан манфаатдор.

СУРАТДА: бригада аъзолари Ю. Сейтамов, О. Калъюшинова, И. Дремлева.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖУРНАЛИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Республика журналистлар ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг самарадорлигини ошириш вазифалари Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг 17 июлда бўлиб ўтган пленумида кўриб чиқилди.

Пленум партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари талаблари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида республика партия ташкилоти фаолиятининг туб масалаларини ишчанлик билан, ўткир ва принципиал равишда кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини қизғин маъқуллади.

Нотиқлар асосий диққат-эътиборни оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларининг ижодий активлигини кучайтириш зарурлигига қаратдилар, редакция коллективлари фаолиятида ҳал этилмаган проблемаларга тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг оммавий ахборот ва пропаганда воситалари меҳнаткашларни экономикани ривожлантиришнинг йирик проблемаларини ҳал этишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашга сафарбар қилиш соҳасидаги ўз ишларини суст қайта қураётганликлари тўғрисидаги кўрсатмаси тўғри эканини тан олдилар. Газеталарнинг саҳифаларига, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувларига республика халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги, ижтимоий турмушдаги ишларнинг аҳволини юзаки, баъзан эса нотўғри ёритувчи материаллар кириб қолмоқда. Матбуот органлари кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, давлатни алдаш, маблағларни талон-торож қилиш, ўғирлик ва порахўрлик сингари салбий ҳодисаларга қарши курашда ҳали ҳамиша ҳам жанговарлик позициясида тураётганлари йўқ.

Пленумда қабул этилган қарорда журналистлар ишининг самарадорлигини янада ошириш йўллари белгиланди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Журналистик аҳлоқ-одобга хилоф равишда давлат ва молия интизомини бузганлиги, хизмат мавқеини шахсий мақсадларда суиистеъмол қилганлиги учун З. И. Есенбоев Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси ва аъзоси вазифасидан бўшатилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси лавозимида ишлаб турган С. Ш. Қурбоновни республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси қилиб сайлади.

Журналистларнинг бошланғич, Тошкент шаҳар, область ташкилотларида ва Қорақалпоғистон журналистлар союзида ҳисобот-сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия, Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ Андрей Андреевич **Громико Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1984 йил 17 июль.

ДАВР ЙИЛНОМАСИ

Ялтадаги Ливадия кўргазмалар комплексида совет халқлари Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ ҳаваскор рассомлар асарлар кўргазмаси очилди. Иттифоқчи республикалар, шу жумладан Москва ва Ленинград шаҳарларидан юборилган 150 дан зиёд асар кўргазмадан ўрин олган.

Тошкент, Андижон, Фарғона областлари ҳамда Тошкент шаҳрининг бир қатор истеъдодли ҳаваскор рассомлари бу кўргазмада республикамиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Тошкентлик шахтёр Т. Голубинский ўзининг асарини «Қизилқум саҳросида» деб номлаган. Пенсионер К. Соколовнинг «Тушки овқатланиш», чирчиқлик ишчи А. Семёновнинг «Боғбон», андижонлик М. Алиевнинг «Тўқувчи», «Райком секретари» асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи саҳнасида РСФСР халқ артисти, Ленинграддаги Киров номли опера ва балет театрининг солисти М. Кунакова пойтахтимиз томошабинларига маҳоратини намойиш этди.

Ленинградлик истеъдодли санъаткор бу сарой саҳнасида Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг етакчи солистлари билан биргаликда Минкуснинг «Дон Кихот» балетида рақсга тушди.

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

РЕВОЛЮЦИЯ ЙЎЛИДАН БОРИШ ҚАТЪИЯТИ

МАНАГУА. Никарагуа халқи қонхўр сомоса диктатураси устидан қозонган ғалабанинг яқинлашиб келаётган беш йиллигини Сандиночилар миллий озодлик фронти билан революцион ҳукуматни қўллаб-қувватлашга бағишланган оммавий намойишлар билан нишонламоқда. Бутун мамлакатда бўлиб ўтаётган митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёнини давом эттиришга, ватан озодлиги ва мустақиллигини Америка империализми ва унинг малайлари ҳамлаларидан ҳимоя қилишга азму қарор берганликларини билдирмоқдалар. Никарагуаликларни Қўшма Штатлар ўрнатиб қўйган манфур истибдоддан қилган Сандиночилар революциясининг чинакам халқчил характери шу кунларда айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Яқинда никарагуалик йигитлардан яна бир катта группаси Сандиночилар халқ армиясининг жангчилари бўлишдек фахрли ҳуқуқни ишониб топширишни сўраб ариза берди. Кўплари эндигина 18 га тўлган йигитлар Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, Сандиночилар халқ армиясининг бошқа жангчилари ва «Милисианос» отрядлари билан биргаликда ўз халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини қўриқлаш учун қўлларига қурол олмоқдалар. Улар марказий разведка бошқармаси ташлаб кетган сомосачи каллакесарларнинг тўдалари қутуриб ёвузлик қилаётган Матагальпа ва Хинотега департаментларининг тоғли районларига жўнаб кетмоқдалар.

«Душманга йўл йўқ!», «Бирлашган халқ енгилмайди!» деган шиорлар остида Манагуада Никарагуа хотин-қизлари уюшмаси активларининг қудратли намойиши бўлиб ўтди. Улар пойтахт кўчаларидан ўтиб, марказий Америкадаги вазиятни кескинлаштириш ва Сандиночилар революциясини бўғиб ташлаш йўлини давом эттираётган Рейган маъмуриятининг авантюрачилик сиёсатига қарши кескин норозилик билдирдилар.

Никарагуа хотин-қизлари америкапараст жирканч сомоса диктатурасини ағдариб ташлашга катта ҳисса қўшдилар, сомосачилар Миллий озодлик фронти қўзғалончиларининг сафларида жасурона жанг қилдилар. Ҳозир улар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда эркаклар билан баббаравар актив қатнашибгина қолмай, исталган пайтда қўлга қурол олиб Ватанининг табаррук чегараларни ҳимоя қилишга шай бўлиб турибдилар.

Фарзандлари сомоса диктатурасига қарши кураш даврида ҳалок бўлган ёки халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейин МРБга ёлланган қотиллар томонидан ўлдирилган никарагуалик оналарнинг бир группаси намойишчи хотин-қизларнинг биринчи сафларида ўтишди.

Менинг қизим 17 ёшга етмасданоқ Никарагуа озодлиги учун курашга қўшилган эди, — деди намойиш қатнашчиларидан бири Ромелия Диас де Мартинес.— Сандиночилар миллий озодлик фронти сафларида қизим беш йил жанг қилиб, диктатура ағдарилишига атиги бир неча кун қолганида, 1979 йил июлида ҳалок бўлди. Унинг тенгқурларидан кўпларига шодиёна ғалаба дамларини кўриш насиб бўлмади. Аммо бу қурбонлар беҳуда кетмади. Энди халқимиз эркин яшаб, ўзи танлаб олган мустақил ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Аммо революция душманлари мағлуб бўлганларига чидай олмаяптилар. Улар Республикага қарши агрессия бошладилар. Кенжа ўғлим контрреволюционерларга қарши курашга кетди. Шу даҳшатли кунларда биз жангчиларимизга қараб: «Ҳалок бўлганлар хотирасига муносиб иш қилингилар! Никарагуалик болаларнинг ва бутун халқимизнинг келажаги, кўп жиҳатдан сизларнинг мардлигингизга боғлиқ эканини унутманг!» деб айтаяпмиз.

С. ГОРБУНОВ,
О. КОЛЕСНИКОВ.
(ТАСС махсус мухбирлари).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент алоқа электротехника институтининг олимлари ва ўқитувчиларидан иборат агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар группаси Ўш областига жўнаб кетди. Агитбригаданинг мақсади КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини пропаганда қилишдир. Мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб, ана шундай 35 та агитбригада ташкил этилган бўлиб, улар мамлакатнинг йирик қишлоқ ва саноат районларида қатор суҳбатлар ўтказишади.

●

«Узгоскомсельхозтехника»нинг Тошкентдаги тажриба ремонт механика заводида тажриба тариқасида каноп ўрадиган машиналарнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Бу машиналар пойтахт областининг хўжаликларида ишлатилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 29 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 19—22, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси — республикамизнинг гигант корхонаси, Ўзбекистоннинг биринчи трактори ҳам шу ерда тайёрланган. Бугунги кунда бирлашманинг ишлаб чиқариш қувватн дастлаб ташкил этилганига нисбатан салкам 30 баравар юксалди. Корхонада реконструкция ишлари қизғин олиб борилмоқда. Янги қувватлар ишга туширилмоқда. Бирлашма коллективи қутлуғ йилда пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган. Юбилей шарафига трактор ишлаб чиқариш 5,5 процент оширилди. Айни пайтда янги — 100 от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг тажриба учун тайёрланган намунаси синовдан муваффақиятли ўтди...

Ушбу корхона ишчиларидан нимани сўрасангиз сўранг, лекин ҳеч қачон «Қандай ишлаяпсиз? Қўлга киритаётган муваффақиятларингиз қандай?» деб суриштирманг. Улар бу саволингизни жавобсиз қолдиришади. Ёки жўнгина қилиб: «Ишлаяпмиз. Эл қатори...», деб қўя қолишади. Албатта, бу сохта камтарлик эмас. Улар, масалан, Никарагуадаги воқеалардан хабардор, Сальвадор, Байрут хонадонлари бошига тушган кулфатларни яхши билишади, куюнишади. Ер юзида тинчлик бўлсин, дейишади. Ватанимиз янада камол топсин, деб қайғуришади. Шу ўй, шу ташвиш билан ишга боришади. Тер тўкишади. Лекин ҳеч қачон меҳнатни рўкач қилиб мактанишмайди. Шундайлардан бири 19-трактор йиғув цехининг бошлиғи А. Хушматовдир.

— Коммунист А. Хушматов, — дейди бирлашма партия комитетининг секретари Х. Шагиев, — фидокорликни яхши кўрадиган жонкуярларимиздан саналади. Дастлаб тажрибасизликдан қийналган бу ишчи секин-аста меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббат туфайли катта мастер даражасига етди. Ҳозир эса... У бошчилик қилаётган коллектив ишлаб чиқариш топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни доимо бажармоқда. У биринчилар қаторида корхонада меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Шу йилнинг олти ойлик натижалари шуни кўрсатиб турибдики, унинг коллективи зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқда. Олти ой ичида меҳнат унумдорлиги 104,3 процентни ташкил этди. Иқтисод миқдори эса 50 минг сўмдан ҳам ошиб кетди.

Бирлашмада меҳнат қилаётган ҳалол ёшларнинг барчаси мураббийларнинг меҳрибонлигига ҳам, қаттиққўллигига ҳам дош беради. Зеро ветеранлар ёмонлик ёки бировнинг кўнглини чўктириш учун қаттиққўллик қилишмайди. Бу ерда, энг муҳими, катта ҳарфлар билан битиладиган манфаат сўзи бор. Эл-юрт манфаати. Жамият манфаати.

— Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун, деган сўзлар — қўл қовуштириб ўтиравер, еганинг олдингда, емаганинг эса ортингда, дегани эмас, албатта. Афсуски, шу тор манфаат доирасида кун кўрадиганлар ҳам топилиб қолди. Лекин мен... бевосита ишлаб чиқаришнинг одами эканлигим учун фақатгина меҳнатга таяниб, асабийлашганини эслолмайди. Ўз ишини ҳамиша пухта ва юксак ишонч билан бажаради.

В. Захаров ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар ҳунар-техника билим юртида таълим олган. Ишлаб чиқариш практикасини эса Николай Дмитриевич қўли остида ўтказган. Бу ерда у ҳақиқий маънода чизмаларни ўқиш, ишни планлаштириш сирларини ўрганди.

— Яна, — деб давом этади Валерий, — менга тажрибали ишчининг қизиқувчанлиги ҳуш келади. У бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайди. Умуман олганда Николай Дмитриевич одамларга соф кўнгил билан муносабатда бўлади. Ўз шогирдларини эса яхши кўради.

Шуленин қийинчиликлардан қўрқмайдиган, сидқидилдан меҳнат қилиб шу руҳда яшайдиганларни жон-дилдан яхши кўради. Унинг ўзи қийинчиликларга болалигиданоқ кўниқиб келган. Граждалар уруши қатнашчиси бўлмиш отасидан ёш қолган Николай ҳаёт қийинчиликларини акасингиллари билан бирга кўрди. Албатта, ёлғиз онасига уларни тарбиялаш жуда оғир эди.

14 ёшида у колхозга ишга борди. Дам олиш куни нималигини билмай тер тўкди. 1944 йилнинг шиддатли кунларида ҳарбий хизматга кетди, жангларда иштирок этди.

1951 йилнинг майида ҳарбий хизматдан кейин у Тошкентда истиқомат қилган кичик акаси Иваннинг олдига келди. Бир ҳафтадан сўнг эса «Компрессор» заводи билан танишиб, шу корхонанинг асбобсозлик цехига ишга кирди. Слесарлик касбида муваффақият билан ишлай бошлади.

Меҳнатсеварлиги билан тез орада коллектив ҳурматини қозонган Николай Шуленин, мана, ўн икки йилдирки, Собир Раҳимов район Советининг депутати. Ҳар баҳорда бир неча кунга унинг иш жойи бўшаб қолади. Бу пайтда у район ҳарбий комиссариатида ҳарбий хизматга чақирилувчилар комиссияси составида иш олиб боради. Унинг бошқа ташвишлари ҳам бор. Ҳарбий хизматчиларнинг болаларини боғчаларга жойлаштириш, уларнинг оилалари учун квартира олиб бериш масалалари билан ҳам сидқидилдан шуғулланади.

... 1983 йил бўйича Тошкент область машинасозлик ходимлари мукофоти лауреати Николай Дмитриевичнинг иш столида янги пресс-форманинг мураккаб чизмаси турибди. Бу албатта қийин, кўп ғайрат талаб этадиган иш. У биринчи марта бундай мураккаб мосламани тайёрламоқда. Аммо Шуленин жуда ҳам мамнун. Чунки у бу ишда яратишнинг қувончи ва завқини кўради. Бундай мураккаб ишлар билан у ўз малакасини мунтазам ошириб боради.

С. ЛИ.

● ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

«Компрессор» заводида Николай Дмитриевич Шулениндек юксак малакали мутахассислар жуда кам. Корхонада фақат икки киши — у ва яна М. Полетаевгина шахсий маош олади. Бу уларнинг ҳалол меҳнати, юксак маҳоратига берилган камтарин мукофотдир.

Слесарлик касби нимаси билан қизиқ, унинг ижодий сирларини нималарда кўрганди? Бу саволга Николай Шуленин шундай жавоб беради:

— Мен ўз ишимни хилма-хиллиги, технологияни такомиллаштириш имконияти борлиги, мосламаларни кишининг ўзи ўйлаб топиши ҳамда сифатга кафолат бера олиши сингари жиҳатлари учун яхши кўраман. Чизмани қўлга олгач, уни синчиклаб ўрганиб чиқаман, ўзим учун энг қулай бўлган техник жараёнларни танлаб оламан. Сифатга зиён етказмай туриб иш муддатини қисқартириш менинг вазифамдир. Айни пайтда мен роторларга қўйиладиган олтита пазни фрезеровка қилиш учун бешта мосламани топширишга ҳозирлаяпман. Энг кичик камчилик ҳам бу мураккаб қисмларнинг чалкашиб кетишига сабаб бўлади. Ҳолбуки, ротор машина моторининг энг мураккаб қисми саналади. Бу ерда хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

Николай Дмитриевич ҳақида цех бошлиғи Г. Булкин ҳам илиқ гаплар айтди:

— Шуленин яратишни яхши кўради. Ўз ишига ҳалол муносабатда бўлиб келаётган бу фидокор ишчи оснастка тайёрлашда энг қулай ва самарали имкониятлардан фойдаланмоқда. Юксак маҳорат ҳамда мунтазам сифатли иш бажаришнинг сабаблари ҳам шунда бўлса керак. Тажрибали ёш кадрларни ҳам худди шу руҳда тарбиялайди. Цехга янги келган ишчиларни Николай Дмитриевич ихтиёрига топширишлари ҳам бежиз эмас, албатта. Ғамхўр мураббий ўз шогирдларига касб сирларини ўргатибгина қолмай, уларда ўз ишига ижодий муносабатда бўлишда ҳам катта ёрдам бермоқда.

Меҳнат илғорларининг Ф. Ополинский ва В. Захаров сингари шогирдлари айни пайтда цехнинг юксак малакали мутахассислари ҳисобланади.

— Меҳнат ветеранининг, — дейди В. Захаров, — интизомлилиги менга, айниқса ёқади. Цехда ҳеч ким унинг бировга бақиргани, асабийлашгани эслолмайди. Ўз ишини ҳамиша пухта ва юксак ишонч билан бажаради.

В. Захаров ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар ҳунар-техника билим юртида таълим олган. Ишлаб чиқариш практикасини эса Николай Дмитриевич қўли остида ўтказган. Бу ерда у ҳақиқий маънода чизмаларни ўқиш, ишни планлаштириш сирларини ўрганди.

— Яна, — деб давом этади Валерий, — менга тажрибали ишчининг қизиқувчанлиги ҳуш келади. У бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайди. Умуман олганда Николай Дмитриевич одамларга соф кўнгил билан муносабатда бўлади. Ўз шогирдларини эса яхши кўради.

Шуленин қийинчиликлардан қўрқмайдиган, сидқидилдан меҳнат қилиб шу руҳда яшайдиганларни жон-дилдан яхши кўради. Унинг ўзи қийинчиликларга болалигиданоқ кўниқиб келган. Граждалар уруши қатнашчиси бўлмиш отасидан ёш қолган Николай ҳаёт қийинчиликларини акасингиллари билан бирга кўрди. Албатта, ёлғиз онасига уларни тарбиялаш жуда оғир эди.

14 ёшида у колхозга ишга борди. Дам олиш куни нималигини билмай тер тўкди. 1944 йилнинг шиддатли кунларида ҳарбий хизматга кетди, жангларда иштирок этди.

1951 йилнинг майида ҳарбий хизматдан кейин у Тошкентда истиқомат қилган кичик акаси Иваннинг олдига келди. Бир ҳафтадан сўнг эса «Компрессор» заводи билан танишиб, шу корхонанинг асбобсозлик цехига ишга кирди. Слесарлик касбида муваффақият билан ишлай бошлади.

Меҳнатсеварлиги билан тез орада коллектив ҳурматини қозонган Николай Шуленин, мана, ўн икки йилдирки, Собир Раҳимов район Советининг депутати. Ҳар баҳорда бир неча кунга унинг иш жойи бўшаб қолади. Бу пайтда у район ҳарбий комиссариатида ҳарбий хизматга чақирилувчилар комиссияси составида иш олиб боради. Унинг бошқа ташвишлари ҳам бор. Ҳарбий хизматчиларнинг болаларини боғчаларга жойлаштириш, уларнинг оилалари учун квартира олиб бериш масалалари билан ҳам сидқидилдан шуғулланади.

... 1983 йил бўйича Тошкент область машинасозлик ходимлари мукофоти лауреати Николай Дмитриевичнинг иш столида янги пресс-форманинг мураккаб чизмаси турибди. Бу албатта қийин, кўп ғайрат талаб этадиган иш. У биринчи марта бундай мураккаб мосламани тайёрламоқда. Аммо Шуленин жуда ҳам мамнун. Чунки у бу ишда яратишнинг қувончи ва завқини кўради. Бундай мураккаб ишлар билан у ўз малакасини мунтазам ошириб боради.

С. ЛИ.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи машинасозлари ўртасида улуғ сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг авж олмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) юбилей шарафига йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган илғор йиғувчи-слесарлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари (чапдан-ўнгга) Б. Бодунов, Г. Рузаков ва Б.. Селимовларни кўриб турибсиз.

* * *

«Ташсельмаш» заводи машинасозлари ҳар куни кўплаб янги пахта териш комбайнларини мамлакатимиз пахтакорлари ва чет эл буюртмачилари адреслари бўйича жўнатмоқдалар.

СУРАТДА: (пастда) темир йўл платформаларига ортилаётган «зангори кема»лар.

М. Нуриддинов фотолари.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ

БУДАПЕШТ. Венгрия Халқ Республикасидаги энг йирик Мартфю озиқ-овқат комбинатида иссиқлик чиқиндилари билан ишловчи энергия комплекси туфайли корхонанинг энергетикага бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилмоқда. Ҳозирги вақтда бу комбинатда қимматга тушадиган энергия ўтказгичларидан фойдаланишдан бутунлай воз кечилди. Бу эса ҳар йили 12 минг тоннага яқин нефтни тежаш имконини берди.

Мартфю комбинати ВХР саноатида энергияни тежаш ҳаракати ривожланиб кетганлигини яққол кўрсатувчи мисолдир. Республикадаги барча корхоналарда энергия ресурсларини тежаш соҳасида илғор ишлаб чиқариш коллективларининг тажрибасини ёйиш ва қўллаш борасида кўп иш қилинмоқда.



БОЛГАРИЯ. Белоградчик шаҳри яқинидаги 20 квадрат километрдан иборат территорияда (суратда) дунёдаги энг ноёб тошларни кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, бу тошлар ҳаво ўзгаришига қараб турланади. «Тошлар тасвири»ни кўришга ишқибоз бўлган туристларни бу ерда тез-тез кўриб туриш мумкин.

* * *

ДАНИЯ. СУРАТДА: Копенгагенда бўлиб ўтган сиёсий партиялар, касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари қатнашган тинчлик ва қуролсизланиш кўп минг кишилик урушга қарши манифестациянинг энг кичик қатнашчиси.

АП—ТАСС телефотоси.

ПАРТИЯ КАДРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ГАВАНА. Бу ерда Нико Лопес номидаги олий партия мактаби тингловчиларини навбатдаги чиқариш маросими бўлди. Куба Компартияси Марказий Комитети секретариятининг аъзоси Хулиан Рисо тантанали маросимда сўзлаган нутқида бундай деди: партия кадрлари сафига янги кишиларнинг келиб қўшилиши партия қаторлари марксизм-ленинизм ғояларининг, социалистик революция идеалларининг тантанаси учун онгли курашчилар билан тобора мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Х. Рисо партия мактабини битириб чиқувчиларнинг ҳозирги маросими халқаро вазият ғоят кескинлашган бир шароитда ўтказилмоқда, Рейган маъмуриятининг масъулиятни ҳис этмай, милитаристик йўлни ўтказаётганлиги жаҳонни ядро фалокати ёқасига келтириб қўйди, деб алоҳида таъкидлади. Ҳозирги мураккаб вазиятда, деди Х. Рисо, Куба коммунистлари бутун халқ билан биргаликда революция душманларининг кирдикорларини зийраклик билан кузатиб турибдилар. Ҳеч қандай маъмурият, хатто АҚШнинг ўта кетган реакцион маъмурияти ҳам, деб уқтириб ўтди у, Куба халқини тиз чўктира олмайди. Куба халқи миллий экономикани янада юксалтириш ва ватан мудофаасини мустаҳкамлаш соҳасида фидокорона иш олиб бормоқда.

Нико Лопес номидаги олий партия мактаби ҳақли равишда партия кадрларини тайёрловчи маскан, деб ҳисобланади. Кейинги йилларда беш мингга яқин киши, шу жумладан бошқа мамлакатлар коммунистик партияларининг вакиллари бу мактабни битириб чиқди. Ҳозирги кунда уларнинг кўпи Кубанинг давлат муассасаларида, партия, касаба союз ва оммавий жамоат ташкилотларида масъулиятли лавозимларда ишламоқда.

ЭНГ ИФЛОС ШАҲАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бразилиянинг Кубатан шаҳрини дунёдаги энг ифлос шаҳар деб топди. Кубатан ҳавоси таркибидаги химиявий ишлаб чиқариш чиқитлари ва қаттиқ зарралар йўл қўйиш мумкин бўлган нормалардан бир неча баравар ортиқлиги аниқланди.

Маҳаллий санитария назорати комиссияси бир қанча саноат корхоналарининг эгаларига яна бир бор мурожаат этиб тозалаш қурилмалари ўрнатишни ва атроф муҳит янада кўпроқ ифлосланишига йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш маромини вақтинча қисқартиришни талаб қилди. Бу талабга ҳозирча давлатга қарашли «Петеробраз» нефть компаниясигина ижобий жавоб берди.

«ОЛТИН ЁМҒИР»

Нью-Йорк. Рейган маъмурияти амалга ошираётган қуролланиш пойгасини узлуксиз кучайтириш программаси Американинг ҳарбий саноат концернлари учун «олтин ёмғир»га айланмоқда. «ЮЭС Эй Тудей» газетасининг хабар қилишича, икки йил муқаддам қаттиқ молиявий қийинчиликларга дуч келган «Мартин Мариетта» корпорацияси энди иқтисодий равнақ даврига кирди ва газетанинг ибораси билан айтганда; унинг истиқболлари «ҳеч қачон бу қадар порлоқ бўлмаган эди».

Пентагоннинг МХ ва «Першинг—2» ракеталарини, лазер ёрдамида мўлжал олдирадиган артиллерия снарядлари, «В—1» янги стратегик бомбардимончи самолёт компонентларини ишлаб чиқариш учун берган катта-катта буюртмалари концернининг ишларини ўнглаб олиш имконини берди. «Ажал уруғи» ишлаб чиқарувчилар космик қуролни кўплаб ишлаб чиқаришга киришишга команда бериладиган пайтни зўр умид билан кутмоқдалар.

Пентагоннинг навбатдаги кўп миллиардли тортиғидан ўзининг каттароқ улушини олиш учун жангга ҳозирлик кўраётган корпорация намояндалари «самовий урушлар» программасини амалий равишда рўёбга чиқариш учун бошқалардан кўра, бизнинг имкониятларимиз яхшироқ» деган гапни айтмоқдалар.

СОВЕТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН

ПРАГА. Чехословакия станоксозлари бу йил ССССРга олти мингдан ортиқ металл қирқувчи станоклар, йигирув ва тўқув станокларини юборишдилар. Волга Кема соҳилидаги йирик автомобиль корхоналари, Москва, Ленинград, Ярославль, Владимир ва Свердловскдаги машинасозлик заводлари асосий буюртмачилар ҳисобланади.

ЧССРда ҳар йили экспорт қилинадиган станокларнинг учдан икки қисми Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келади. Станокларнинг кўп типлари ҳар иккала мамлакат мутахассисларининг зўр ғайрат билан қилган ишлари туфайли вужудга келтирилди. Ҳамкорликнинг бу соҳасида собиқадамлик билан иш олиб борилмоқда.

Масалан, ҳозирги вақтда Чехословакия мутахассислари ва уларнинг Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари машина-ускуналарнинг 150 та янги хилини яратиш соҳасида иш олиб бормоқдалар.

СССР билан ЧССР ўртасидаги самарали иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик туфайли станоксозлик Чехословакия халқ хўжалигининг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Совет мамлакатининг буюртмалари ҳозирги вақтда республикадаги барча станоксозлик корхоналари ишлаб чиқариш планларининг негизини ташкил этади. Улар шу соҳанинг моддий техника ва илмий базасини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш имконини берадилар.



ОБЪЕКТИВДА — ЖАЗОИР

СУРАТДА: Сиди — Ферруш туристик комплекси.

ТАСС фотохроникаси.

УЛКАН КЎПРИК

Ҳозирги вақтда Бахрайн оролларида қитъага денгиз ёки ҳаво орқалигина ўтиш мумкин. Аммо орадан бир ярим йил ўтгач ҳар қандай автомобилчи машинасидан чиқмай шундай саёҳатни атиги 15 минутда қила оладиган бўлади. Бахрайнни Саудия Арабистони қирғоғи билан боғлайдиган янги улкан кўприк шундай имконият беради. Ҳозир қурувчилар денгизда 25 километрли автомобиль йўли учун устунлар қадамоқдалар. Йўл форс кўрфази устидан ўтади. Машиналар иккала йўналишда тўрт қатордан бўлиб юради, шошилмай сайр қилишни хоҳлайдиганлар учун эса махсус пиёдалар тоннели қуриш ҳам кўзда тутилган.

Яқин Шарқда бу катта кўприк қурилиши 1,2 миллиард доллар харажатни талаб қиладн. Аммо мутахассислар бу харажат юк ташиш анча арзонлашганлиги ҳисобига тез орада қопланиб кетишига ишонадилар. Форс кўрфази устидан автомобиль қатнови келаси йил 16 декабрь — Бахрайн давлатининг миллий кунида очилиши мўлжалланмоқда.

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАЧ

Яқинда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, 1983 йил Саудия Арабистони йўлларида юз берган транспорт ҳодисалари натижасида 7 минг киши ҳалок бўлган.

Бу ерда автомобилни тез ҳайдашни ёқтирадиганлар ҳаддан ташқари кўпу, ҳаракат қоидаларига риоя этадиганлар ғоятда оз. Бундан ташқари, автомашинани тузук ҳайдай олмайдиган кишилар ҳам бор. Саудия Арабистони шаҳарларининг кўчаларида оналари ва опаларига шофёрлик қилувчи ўн яшар ўсмирларни тез-тез учратиб туриш мумкин. (Саудия Арабистонининг қонунлари аёлларнинг автомобиль ҳайдашини тақиқлайди). Бундай болаларда тажриба озлигидан тез-тез транспорт ҳодисалари рўй бериб туради.

Саудия Арабистони маъмурлари мамлакат йўлларида тартиб ўрнатиш мақсадида ғоят хилма-хил чоралар кўрмоқдалар. Тартибни жўртага бузувчи ва ҳар хил «пойгабозлик» қилувчилар учун 50 марта дарра уриш ва бир ойгача муддат билан қамаш кабн жазо чоралари кўзда тутилган. Уларнинг фикрича, Ар-Риёд ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари кўчаларида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб турувчи плакатлар ҳам қизиққон ҳайдовчиларга таъсир кўрсатмоғи лозим. Бу плакатларда, жумладан, йиғлаб турган болаларн қуршаб олган мотам либосидаги аёл тасвирланган.

● Техника тараққиёти йўлидан

БУ САФАР РЕЙСГА КИМ ЧИҚАДИ?

Энди бу масала эксплуатация бошлиғининг оддий фармойиши билан ҳал этилмайди. «Узмясомолспецавтотранс» бирлашмаси базасида жорий этилган математик модель маълум рейсга шофер номзодини тўғри танлаб олишда ёрдам берди. Бу модель автомобилчиларнинг буюртмаларига биноан Тошкент политехника институтининг Самарқанд филиалида ишлаб чиқилди.

Олимлар ва база инженерлари фермалардан қайта ишлаш заводларига сут ташиладиган ҳамма маршрутларга масофа, баланд-пастликлар, ер қопламининг характери ва бошқа ҳолларни назарда тутиб паспорт тузиб чиқдилар. Улар автомобиль турли маркаларининг хусусиятларини эътиборга олдилар, об-ҳаво коэффициентини киритдилар, бошқа бир қанча параметрларни ҳисобга олдилар. Натижада шундай формула келиб чиқдики, у ҳайдовчининг малакаси қандай бўлганида шу маршрутда ёнилғи энг кам сарф бўлишини аниқлашга имкон беради.

Ана шу модель ёрдамида шоферларни рейсларга тақсимлаш йиллик графиги тузиб чиқилди ва унга қатъий риоя этилмоқда. 140 машинаси бўлган автобаза йил бошидан бери пландан ташқари 16 минг тонна юк ташиди. Асосан ёнилғи тежашдан тушадиган қўшимча даромад 100 минг сўмдан ошиб кетди.

(ЎзТАГ).

● Луқма

КУРАШ ТУШГАН ЙИГИТЧА

Майдончада қувалашиб юрган болакайлар бирдан бир жойга гуж бўлиб қийқириша кетди. Ниҳоят қий-чув сал пасайиб, кулгуга қолган бола даврадан отилиб чиқди-ю, кўпқаватли уйлардан бирига ўзини урди. У битта қўли билан иштончасини маҳкам чангаллаб олган эди...

Маълум бўлишича, жонгарн «қаҳрамонимиз» ўртоғи билан кураш тушаётиб, энди унн чирпирак қилиб ерга уриман деб турганида иштонининг резинкаси узилиб кетган экан. Резинка жониворни чўзилади, чўзилади лекин бир кун келиб у ҳам узилади-да! Бизнинг «полвон» иштончасининг резинкаси эса узилиб-уланаверіб латтаси чиқиб қолган эди ўзи. Дадаси резинка излаб шаҳарда кирмаган дўкони қолмади. Ҳеч ерда йўқ.

Бизга шу хусусда мурожаат қилган оқшомхон А. Неъматжоновга ҳам гапни резинкадай чўзмай «йўқ» деб қўя қоламиз. У киши резинка атторда бормикин ҳеч бўлмаса дебдилар. Йўқ, атторда ҳам, ундан «нлғор»да ҳам йўқ.

Бизнинг «полвон» йигитчамизга келсак у ҳозир иштонбоққа ўтиб олган. Хархаша қилса ойнси қидиряпмиз деб ишонтиради, дадаси иштонбоғи ҳам белбоғдек гап, белинг бақувват бўлади деб овутади. Мутасадди ташкилотлар (жумладан «Ташгалантерейторг» директорн А. Анваров) эса ҳозирча бу аҳволга фақат томошабин бўлиб юришибди.

Нима кераги бор эди кураш тушиб, укажон!!.

Мақсад ЯХШИЕВ.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

18 ИЮЛЬ, 1984 й.

Саломатлик

хақида суҳбатлар

Ҳурматли редакция! Менинг ёшим эллик бирда. Оёқнинг сирқираб оғриши жуда безовта қилади. Қиш чилласида ҳам, ёз саратонида ҳам оғриқ ҳеч тўхтамайди. Шу хасталик ҳақида мутахассис маслаҳатини ёритсангиз.

Қодир ҚОСИМОВ,

Акмал Икромов районидаги Чагминий кўчасида истиқомат қилувчи.

Бод хасталиги узоқ вақт даволанадиган касаллик. Унинг келиб чиқишига кўпинча оғиз-бурун бўшлиғидаги хасталиклар сабаб бўлади. Айниқса тишлардаги зарарланиш, бурун бўшлиғидаги ўзгаришлар ва томоқ безларининг яллиғланиши (ангина) ревматизмга тез муб-тало қилади.

Ревматизм организмнинг умумий касаллиги бўлиб, у деярли ҳамма аъзоларга зарар етказади. Аввало юрак ва қон томирлар зарарланади. Хасталик қайси органни зарарлантирар экан, шунга қараб бўғин ревматизми, асаб системаси ревматизми, мускуллар ревматизми, юрак ревматизми бошланади.

Бод хасталигида бутун бир организм эмас, фақат бўғинлар ёҳуд шамоллаган асаб шохчалари идора қилади.

● СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

БОДГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ

ган мушак тери бўлакларида оғриқ пайдо бўлади. Юқумли касалликларнинг кўпчилигида бел ва бўғинлар зарарланади.

Бод хасталигида оғриқлар об-ҳавонинг ўзгариши билан боғлиқ бўлмай, одам оёқларга кўп юмуш берганда бошланаверади. Оёқ томирлари ички қабатларининг шамоллаши — эндоартрит дейилиб, бу хасталик ёшларни ҳам безовта қилади. Бу хасталик совуқ ҳавода оёқларни иссиқ кийим билан муҳофаза этмаслик, резина пойафзалдан кўп фойдаланиш ва бир қанча юқумли хасталиклардан кейин ривожланади. Бу оғриқлар ревматизм касаллигидаги бўғин оғриқларидан кескин фарқ қилади. Оғриқлар икки тиззада ҳам турғун бўлиб, ёзнинг саратонида ҳам, қишнинг чилласида ҳам безовта қилаверади. Лекин юрак фаолиятига ҳеч қандай таъсир этмайди. Бинобарин, эндоартрит билан оғриган беморларни юрак қисиши, юрак доирасидаги оғриқлар безовта қилмайди.

Оёқ эндоартритида бўғинларда шиш бўлмайди. Оёқ мушаклари асли ҳолида бўлади. Шунга қарамай беморлар оёқларининг симиллаб оғриши, совуқ қотиши (ёзда ҳам) исимаслиги, игна санчгандек оғриқлардан шикоят қиладилар.

Бод хасталикларидан яна бири «ноинфекцион» (юқмайдиган) полиартритдир. Бу хасталикда асосан катта бўғинлар зарарланади, оғриқлар бўғинларда турғун бўлиб, кўпроқ об-ҳаво ўзгарганда безовта қилади. Бўғинлар шишади, юрганда ва ҳаракат даврида кучаяди. Шуниси қизиқки, бутун бир системада ўзгариш боргани билан бу хасталикда юрак қон-томирларида ўзгариш бўлмайди. Лекин майда бўғинлардаги оғриқлар шундай кучли бўладики, беморнинг ухлашига имкон бермайди. Вақтида даволанмаслик оқибатида бўғинлар аста-секин катталашиб, қинғир-қийшиқ бўлиб қолади.

Бизга даволаниш учун келган бир бемор билан шундай воқеа бўлди. У 48 ёшда эди. Ўн йилдан бери катта ва майда бўғинларида оғриқ сезиб олдингига ўзи, кейинчалик «янги чиққан» ва эски «донишманд»— табиблар ёрдамида даволаниб келган. Бу «шифокор»лардан даво топмаган. Врачга учрашганда энди вақт ўтган, бўғинлар шишиб, қинғир-қийшиқ бўлиб қолган эди.

Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади, деган гап бор. Лекин у инсон аъзои-танасида мисқоллаб пайдо бўлади. Шу пайтда даволанилса, дард енгил ўтиб кетади. Шамоллаш, грипп, тумов каби дардларни ҳам енгил деб ўйламай, вақтида ётиб шифо олишни унутманг.

О. АЗИЗХЎЖАЕВ,
медицина фанлари кандидати.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

11 июлда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришлари эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада Сс5 — в4+, ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган иккинчи тахтада эса Фd1—f3 юришини эълон қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма—Ата» газетасининг 11 июль сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлислари ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддатдан фойдаланиб газетхонларимизнинг Фd1—f3 юришига... Кb8—с6 билан жавоб беришди, ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги ўнбиринчи юришни —Кре1—f2 эълон қилишди.

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Ҳурматли газетхонлар. Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг Кре1—f2 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Узингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги ўн иккинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мукбул юришларни таклиф этганларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз. Тошкент — Олмаота сиртқи матчида «Тошкент оқшоми» томонида баҳс юритаётганларнинг сафи тобора кенгайиб боряпти. Бирон сабабга кўра бехабар қолганлар бемалол баҳсга қўшилишлари мумкин.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни 33-08-74, 32-58-85, 32-56-81 телефонлари орқали ҳам ҳабар қилишингиз мумкин.

● ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

ҲАР БИР ГРОССМЕЙСТЕРНИНГ ҲИССАСИ

Ҳурматли редакция! Яқинда Лондонда «Аср матчи» деб ном олган шахмат бўйича СССР ва жаҳон терма командалари ўртасида учрашув бўлди. Бу қизиқарли учрашувда 21:19 ҳисобида совет шахматчилари ғалабага эришганлигини биламиз. Иложи бўлса, муваффақиятга ҳар бир гроссмейстернинг кўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берсангиз.

С. ИЎЛДОШЕВ,
П. ХУДОЖНИКОВ,
турда унинг ўрнига В. Тукмаков ўйнади) — В. Корчной, Швейцария — 1,5:2,5 (0,5:0,5, 0:1, 0,5:0,5, 0,5:0,5) 4. В. Смислов (II ва III турда — В. Тукмаков) — Л. Любоевич, Югославия — 2:2 (0:1, 1:0, 0,5:0,5, 0,5:0,5) 5. Р. Ваганян — З. Рибли, Венгрия — 1,5:2,5 (0,5:0,5, 0,5:0,5, 0,5: 0,5, 0:1) 6. А. Белявский — Я. Сейраван, АҚШ (III ва IV турда — Б. Ларсен, Дания 3,5:0,5 (1:0, 1:0, 0,5:0,5, 1:0) 7. М. Таль (II турда О. Романишин) — Д. Нанн, Англия (IV турда — М. Чандлер, Англия (2,5: 1,5,) 0,50,5, 0,5:0,5, 1:0, 0,5:0,5) 8. Ю. Разуваев — Р. Хюбнер, ГФР—2:2 (0,5:0,5, 0,5: 0,5, 0,5:0,5, 0,5:05) 9. А. Юсупов (IV турда О. Романишин) — Э. Майлс, Англия — 1,5: 2,5 (0,5:0,5, 0,5:0,5, 0,5:0,5, 9:1), А. Соколов (III турда О. Романишин) — Э. Торре, Филиппин (III турда М. Чандлер, Англия 1,5:2,5 (0:1, 1:0, 0,5: 0,5, 0:1).

СССР ва жаҳон терма командалари матчида тахталар бўйича қуйидаги натижалар қайд этилди:

I. А. Карпов—У. Андерссон, Швеция — 2,5:1,5 (1:0, 0,5:0,5, 0,5:0,5 0,5:0,5). 2. Г. Каспаров—Я. Тимман, Нидерландия — 2,5:1,5 (0,5:0,5 0,5:0,5, 0,5:0,5, 1:0) 3. Л. Полугаевский (тўртинчи

● ЁШ ОНАЛАРГА НАСИХАТЛАР

ЧАҚАЛОҚНИНГ ТИЛИ ОҚАРСА...

Мен ёш онаман, чақалоғимнинг оғзи оқариб, кўп сўлак оқади, бунга сабаб нима! Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Муҳтабар РАСУЛОВА,
Бешқайрағоч массивида истиқомат қилувчи.

Чақалоқ ва ундан катта ёшдаги болаларнинг меъда-ичак касалликлари ўз даврига қараб қатор ўзига хос хусусиятлар билан фарқ қилади. Бироқ, бу касалликлар болалик патологиясида ўзининг аҳамиятини сақлаб қолиб, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва клиник белгиларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бу асосан ўсаётган ва ривожланаётган организмнинг ўзига хослиги, атроф-муҳитнинг ўзгариб туришига; овқат таркибининг анчагина хилма-хиллиги, атрофдагилар билан жуда яқин муносабатда бўлиш, режимнинг ўзгаришига боғлиқдир.

Чақалоқ болаларда оғиз шиллиқ пардасининг устки қатлами нозик, қон-томирларга бой, шиллиқ парданинг ҳимоя функцияси кам такомил этган бўлади. Оғиз шиллиқ пардаси касалликларидан ҳозирги пайтда кандида туридаги замбуруғ келтириб чиқарадиган кандидоз замбуруғ хасталигидир. Ниманжон, чала туғилган болалар ёки оғир касал бўлган болаларда (чақалоқларда) тил оқариши (молочница) касаллиги ривожланиши мумкин. Бундай пайтда тил оқариши ташқари, чақалоқ болаларда сўлак оқади.

Гўдак болаларда айрим пайтларда милк ва лунж шиллиқ пардаларининг яллиғланиши (стоматит) учраб туради. Катарал, афтоз ва ярали шиллиқ пардаларнинг яллиғланишида милк, лунж, қатиқ ва юмшоқ танглай ҳам қурийди.

Сўлак оқиши фақатгина болалардаги оғиз шиллиқ пардаси хасталикларида учрамай, балки энг кўп тарқалган гижжа касаллигидан бири бўлган юмалоқ гижжаларнинг тури— аскаридозда ҳам бўлиши мумкин. Бу хасталик пайтида болаларда кўнгил айниши, иштаҳанинг пасайиши, баъзан қайд қилиш билан бирга, сўлак оқиши намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ёш она гўдакни овқатлантириш режимини бузиши шахсий гигиенага риоя қилмаслиги натижасида болада меъда-ичак касалликлари келиб чиқишига, оқибатда бемор болаларда сўлак оқишига олиб келади.

Ёш оналарга маслаҳат шундай: болаларда сўлак оқиш ҳолати кузатилса, врачга албатта мурожаат этиб маслаҳатлашиш лозим.

Ш. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Педиатрия илмий текшириш институти клиник касалхонаси бош врачи.



Шифокор ҳар бир беморнинг ҳалоскори ҳисобланади. Хасталарни сидқидилдан даволаётган шифокорлардан меҳнаткашларимиз ҳурсанд бўлишмоқда. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти қошидаги клиник шифохонаси врачлари фидокорлик кўрсатишяпти. СУРАТДА: [чапдан] биринчи бўлим мудираси Кимёхон Абдуқодирова ҳамширалар Ҳамида Холмирзаева ва Сакина Мубиевага беморга қилинадиган даво чораларини тушунтирмоқда.

Д. Аҳмедов фотоси.

● МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАРОРАТ ПРИЁМНИГИ

Асбоб гапираётган кишининг оғзидан иссиқлик оқишини олиб, ахборотни қайта ишловчи ва бемор ҳароратини аниқловчи электрон схемага узатади.

Украина ССР Фанлар академияси физика институтида яратилган ҳарорат приёмниги деб аталувчи бу қурилма анъанавий термометрдан бир неча баробар тез ишлайди. Бу ерда шу сингари бошқа асбоблар ишлаб чиқилди. Шунингдек В. Филатов номидаги кўз касалликлари ва тўқима терапияси институтининг ҳамкасблари билан олимлар кўзнинг текширилаётган ҳар бир нуқтаси ҳароратини аниқловчи қурилма яратиш устида ишламоқдалар.

● БУНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

Ёзнинг иссиқ кунларида

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши, иссиқ ва салқин ҳавонинг алмашиб туриши медицинада ўзига хос қонун-қоидани талаб қилади. Иссиқ ҳароратли кунларда овқатланишга, кийинишга ва яшаш шарт-шароитларига алоҳида эътибор бериш керак.

Қуёшнинг иссиқ ҳароратида жуда кўп хил микроблар ҳалок бўлади. Лекин ёзда ошқозон-ичак, ичбуруғ, диспепсия, паратиф касалликларини тарқатувчи микроблар жуда тез кўпаяди. Шунинг учун ариқ, анҳор, сой ва булоқ сувларини қайнатиб ичиш, мева-чеваларни ювиб-чайиб истеъмол қилиш, озодаликка, тозаликка қатъий риоя қилиш керак.

Уй-жойларда, ҳовлиларда, болалар муассасаларида, озиқ-овқат магазинларини атрофида, бозорларда ахлатлар кўпайишига, пашша каби зарарли ҳашаротлар пайдо бўлишига асло йўл қўймаслик лозим.

Одатда, қуруқ ҳавода чанг-ғубор тез кўтарилади, мева-чеваларга, озиқ-овқат маҳсулотларига чанг билан турли микроблар тушади. Шуни эътиборга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини тоза сақлашга, уларни истеъмолга тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишга эътибор бериш керак.

Ёз кунлари гўштли, сутли ва суюқ овқатлар, шунингдек тухум маҳсулотлари, консервалар тез бузилиб қолади. Бундай таомлардан озгинагина истеъмол қилиш ҳам заҳарланишга, ҳатто кўнгилсиз воқеага олиб келади.

Ҳар бир киши ўз шахсий гигиенасини унутмаслиги даркор. Маълумки, одам терисида ёғ ва тер безлари бўлиб, буларнинг ўзига хос чиқарув йўллари бор. Агар кишининг танаси ифлосланса, чанг ўтирса шу безларнинг чиқарув йўллари бекилади ва натижада тери касалликлари пайдо бўлади.

Бунинг олдини олиш учун тез-тез ювиниб туриш, ҳар куни душ қабул қилиш айни муддао бўлади.

Иссиқ иқлим шароитида сунъий толадан тикилган кийимлар тана ҳароратини ошириб юбориши маълум. Аксинча, ип газлама, зиғир толасидан тикилган кўйлаклар маъқул бўлади. Иссиқ пайтларда оёқ кўп терлашини ҳисобга олиб пойафзални бир размер катта киймоқ, носкини деярли ҳар куни ўзгартириб туриш керак. Кучли қуёш нурининг кўзга тўғридан-тўғри тушишидан сақлаш учун қора кўзойнак тақиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Саратон иссиғини кўнгилли ўтказиш учун кун тартибига риоя этиш, вақтида меҳнат қилиш, вақтида дам олиш, озода, саранжом-сариштa бўлиш керак. Шундагина саломатлигимиз соз бўлади.

И. ФАТХУЛЛАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН

ЧИВИН ҲАЙДАШ ЙЎЛИ

Уй шароитида тайёрланиши жўн бўлган чивин ҳайдаш амали бор. Бир ош қошиқ миқдорида бирорта жайдариқоқ атирдан олиб, унга 5—10 томчи арпабодиён мойи [«Анисовое масло»] ёки қалампирмунчоқ мойидан [«Гвоздичное масло»] қўшиб обдон аралаштирилади. Мабодо мазкур мойлар топилмаса, оддийгина валериана томчиларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Тайёрланган хушбўй аралашма билан баданнинг очиқ қисмларини артилса, бирор соат ичида бирор соат чивин ва пашша одамни безовта қилишга ботинолмайди.

АРИ ЧАҚСА...

Фавқулодда ари чақиб оладиган бўлса, дарров ниши суғириб олинади-да хўжалик синькасининг [«Ультрамариновая синька»] нимтатир эритмаси билан бир соат давомида 3—4 марта ювилади. Бу амалдан тадбиркорлик билан фойдаланилса, ари чаққан жой шишиб, кўпчиб кетмайди, шу билан бирга айтарлик оғриқ сезилмайди.

ЧИВИНГА БАС КЕЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Чивин ва бошқа газанда-ҳашаротлар чаққанида нохуш тери қичимаси пайдо бўлади, ана шу аломатдан қутилиш усули бор. Бунинг учун новшадил спирти ва сувни тенг миқдордаги аралашмаси билан озорланган жойга суртилади, ёҳуд бир чой қошиқ миқдордаги ичимлик содасини бир стакан миқдордаги сувда эритиб, чивин чаққан жой артилади.

КУЯ КАПАЛАГИГА ҚИРОН КЕЛТИРАДИ

Куяга қарши бир талай химиявий препаратлар мавжуд, бироқ инсон саломатлигига мутлоқ безарар бўлган читтигулдан фойдаланиш қандай яхши. Бунинг учун читтигул кукунларини хона сатҳининг квадрат метрига 4 грамм ҳисобида босқончалар воситасида пуркалади. Усимлик кукуни фақатгина куя капалакларини йўқотибгина қолмай, балки хонада мавжуд бўлган бошқа турдаги ҳашаротлар: чумоли, қандола, суваракларга қирғин келтиради. Читтигул кукунини дорихоналар бисотидан топишингиз мумкин. Уни илмий атамаси «Пиретрум» бўлиб, саноат кўламида бежиримбина қутичаларда харидга чиқарилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

● ТИББИЁТ ОЛАМИДА

ТАБЛЕТКАНИ ҚАНДАЙ ИЧИШ КЕРАК?

Даниялик бир гуруппа врачлар таблетка ичиш процессини текширувдан ўтказдилар. Тажрибада 120 кунгилли иштирок этиб, рентген аппарати экранида аниқ кўринадиган безарар моддадан тайёрланган етти юз дона таблеткани ичдилар.

Таблеткалар ичилгандан сўнг, уни кузатган врачлар аввалambор кичик таблеткаларни ичиш катта таблеткаларни ичишдан осон, деган хулосага келдилар. Кейинги кузатувлардан оғирроқ беморларга яхшиси суюқ дориларни қўллаш маъқуллиги аён бўлди. Ётган бемор фақат бир ош қошиқ сув билан ичган таблетка олтмиш фоизга ҳолатда ошқозонга етиб бормай, қизилўнгачда қолади (бемор буни сезмаслиги мумкин). Қоидага номувофиқ шу ерда аста-секин эрий бошлайди.

Таблеткани тик турган ҳолатда камида 100 миллилитр сув билан ичиш зарур. Таблетка қабул қилингандан сўнг, камида бир ярим минут, яъни дори қизилўнгачдан ўтиб улгургунга қадар тик ҳолатда туриш керак.

● ҲОДИСА

ТАСОДИФ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ

Кейинги пайтларда савдо корхоналарида ёнғин чиқиш ҳоллари бизни ғоятда безовта қилмоқда. «Ташкультторг»нинг Халқлар дўстлиги порспектидаги «2-Космос» магазинида юз берган кўнгилсиз ҳодиса бунга мисол бўла олади. Савдо бўлими ва магазин раҳбарлиги бу ерда ёнғин хавфсизлиги тадбирларини таъминлаш масаласига етарли эътибор бермаслиги натижасида кечаси соат 1 дан 30 минут ўтганида ёнғин кўтарилди. Телевизор сақланадиган омборда электр техника асбоби ёқилган ҳолда қолдириб кетилган эди. Бу омбор ортиқча маҳсулотлар ва ёниб кетадиган идишлар билан қалашиб кетган. Чиқиш йўллари ҳам беркилиб қолган эди. Натижада ёнғин давлатга катта моддий зарар келтирди.

«Ташхозторг»нинг 5-магазинида ҳам худди ана шундай вазиятда ёнғин юз берди. Магазин раҳбарлари ёниб кетадиган ахлат уюлиб ётган омборга тайёр маҳсулотни туширишган. Электр симлари очиқ ҳолда бўлган. Ёнғин натижасида давлатга анчагина моддий зарар етказилди. Ўт ўчирувчи бўлинмаларнинг тез, жасоратли ва қатъий ҳаракати бўлмаганида, бу ёнғин янада кўпроқ зарар етказган бўлур эди.

„Биз атиги иккитагина мисолни келтирдик. Унинг айбдорлари жазоланишди. Улардан давлатга етказилган зарар ундириб олинди. Лекин бир нарса кишини ажаблантиради: айрим савдо корхоналарининг раҳбарлари уларга давлат ёнғин муҳофазаси назорати органларини кўрсатган камчиликларни бартараф этишга ҳеч шошилмаётирлар. Бу ишга эътиборсизлик, лоқайдлик, бепарволик билан муносабатда бўлиш мутлақо ярамайди!

М. ЛИТОШЕНКО,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ёнғин муҳофазаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.



Арман халқининг кўп асрлик тарихи бой ва ранг-баранг мерос қолдирган.

Эрамиздан олдинги IX асрдан VII асргача бўлган даврда Арманистон Урарту ҳарбий-қулдорлик давлати таркибига кирган. Бу ерда қурилиш санъати ва тошни ишлаш маҳорати юксак даражага етган. Ўша даврда тикланган кўплаб иншоотлар бизнинг кунларимизгача етиб келган.

Эрамизнинг I асрида Арманистонга Рим маданияти таъсири етиб келади. Гарнидаги ажойиб эҳром (суратда) ана шундан далолат беради. Бинонинг безакларида арман меъморчилигининг айрим анъаналаридан ҳам фойдаланилган.

О. Иванов ва М. Шахбазян фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Москвада бадиий гимнастика бўйича ўтказилган СССР Қуролли Кучлари чемпионатида тошкентлик спортчи Марина Николаева юксак маҳорат кўрсатди. У умумий якунда 57,75 очко тўплаб кумуш медаль билан тақдирланди.

СУРАТДА: СССР спорт мастери Марина Николаева тўп билан машқ бажармоқда.

А. Рисқиев фотоси. [ЎзТАГ].

ОЛТИН ВА КУМУШ МЕДАЛЛАРИ БИЛАН

Гимнастикачи Венера Зарипова, қадрдон шаҳри— Тошкентга бешта медаль олиб келди. У бу мукофотларни бадиий гимнастика бўйича КХДР пойтахти Пхеньянда ўтказилган халқаро турнирда қўлга киритди. У мусобақа майдончасида кўрсатган янги программа бадиий гимнастика ишқибозлари диққатини жалб этди. Турли предметлар билан бажарилган тўртта машқ пластика, музика, бўёқлар мужассамлашган кичик театрлаштирилган томошага айланди. Ҳар бирига 90 секунддан вақт кетадиган машқларда ёркин образ акс эттирилди.

Спортчи қизга мукаммал программани тузишда тренер И. А. Винер, хореограф В. А. Васильев ва Гуно, Минкус, Хачатуряк асарларини, Мексика халқ чўғларини яхши талқин қила олган аккомпаниатор В. Л. Миклашевский кўмаклашдилар. Судья ва томошабинлар Зарипова маҳорат билан ижро этган ва энг юқори баҳоларга сазовор бўлган обруч, тўп, чўқмор билан бажарган машқларни айниқса қизғин олқишлашди.

[ЎзТАГ].

● ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

ПОЛВОНЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

Маълумки, сентябрь ойида Тошкентда XVII Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадасининг финал баҳслари бошланади. Бу сафар ҳам программа эркин курашчилар баҳси киритилган. Беллашувларга республикамиз терма командаси составида 24 умидли полвон тайёргарлик кўрмоқда.

Уларнинг кўпчилиги Тошкентдандир. Финал баҳсларининг бошланишига унча кўп вақт қолгани йўқ. Шу боисдан командани беллашувларга ҳар жиҳатдан пухта тайёрлаш учун лозим бўлган тадбирлар амалга оширилмоқда. Тез-тез турли турнирларда иштирок этиш, ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш шулар жумласидан. Республика ўсмирлар спорт маҳорати мактабининг тренерлар составидан ташкил этган «Умид» кубоги беллашувларида маҳорат яна бир марта синовдан ўтказилди. Ҳозир Гомель шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ўтказилмоқда. Кўп ўтмай республикамиз терма командаси Белоруссия терма командаси билан куч синашади.

Август ойида Янгиободдаги енгил атлетика базасида ўтказиладиган ўқув машғулот йиғинидан сўнг команда составини пухта белгилаб олинади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда машғулотларнинг тиғизлиги руҳий тайёргарликни ошириш билан бирга жисмоний бардамликни мустаҳкамлаш, спортчини беллашувлар ўтказиладиган шароитга мослашишига катта ёрдам беради. Замонавий курашда тезкорлик, эпчиллик, кучлилик муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, ҳар бир спортчи ана шундай ҳислатларни ўзида тўла мужассамлантирган бўлиши керак.

Республикамиздаги таниқли тренерлар ёшларни бу жиддий мусобақаларга ҳозирлаш учун машғулотлар тиғизлигини оширишмоқда. Чунки замонавий кураш тезкорлиги, шиддаткорлиги, бир дақиқада масаланинг ҳал бўлиши билан ажралиб туради. Ғалабага эришиш учун спортчи ниҳоятда чидамли, олишиш техникасини мукаммал билиши лозим. Шу боисдан ҳам машғулотлар аввалдан белгиланган план асосида олиб борилмоқда.

Республика шарафини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўраётганлар орасида «Динамо» кўнгилли спорт жамиятидан 8, «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятидан 5, «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятидан 5, «Меҳнат резервлари» кўнгилли жамиятидан 2 киши бор. Умуман команда икки спорт мастерлигига кандидат ва йигирма икки биринчи разрядли спортчи бор. Олим Ҳикматов, Асқар Бекмургалиев, Ренат Абдуллин, Мирҳожиакбар Мирсандов, Искандар Юсупов, Бахтиёр Шарипов, Вадим Довженко, Демьян Живица, Алан Биджаковларга катта умид боғланмоқда. Умуман олганда команда аъзолари етарли тайёргарликка эгадирлар. Полвонларимиз совринли ўринлар учун бемалол баҳслаша оладилар, дейиш мумкин.

В. ЛЕБЕДЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент БЕТ. оқшоми

18 ИЮЛЬ, 1984 й.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ҚУЁШ ВА ТЕЛЕВИЗОР

Адриатика денгизи соҳилидаги Югославиянинг Дубровник шаҳри яқинида телевидение эшиттиришларини ретрансляция қилишда қуёш энергиясидан фойдаланиш юзасидан қизиқарли эксперимент амалга оширилятти. Қуёш батареяларида ишлайдиган ускуналар мана уч ойдан бери катта район аҳолисининг Загреб телевидениеси биринчи ва иккинчи программаларни аниқ қабул қилиб олишларини таъминламоқда.

● БАМБУКДАН... ВОДОПРОВОД

Яқин вақтлардан бошлаб Танзанияда пайдо бўлган, сувларга мўлжалланган ғайри-табиий автоцистерналар ҳаммани нинг диққатини доимо ўзига тортадиган бўлиб қолди. Мамлакатда унинг ихтирочиси бўлмиш 47 ёшли танзаниялик Табит Лапангиле кенг довруғ қозонган киши ҳисобланади. У оддий бамбукдан автоцистерналар ва водопровод иншоотларида фойдаланиш имконини берадиган технологияни ишлаб чиқди.

Мамлакатнинг саккизта вилоятида қурилган водопроводлардан турли қишлоқларнинг 10 мингдан знёд аҳолисига эилол ичимлик сувлари етказиб берилмоқда. Ана шу янги технология шарофати туфайли ҳозирнинг ўзидаёқ чет эллардан мамлакат учун сотиб олинадиган қимматбаҳоли металл водопровод трубаларн ва цистерналарига сарфланадиган миллионлаб шиллингларни тежаб қолиш имконн туғилди.

● ҚУМ ТЎПЛАШГА ИШҚИВОЗ... ВРАЧ

Миланлик врач Гвидо Небулоннинг коллекцияси чиндан ҳам антиқадир. У қумларни тўплашга жуда ишқивоз.

Бир неча ўн йиллар мобайнида бу врач Бразилия, Англия, Франция, бошқа кўплаб мамлакатлардан қум тўлдирилган 300 та шиша идишни тўплашга муваффақ бўлди. Бу коллекция мамлакатлар, қитъалар, сув ҳавзалари бўйлаб синчковлик билан бир системага келтирилган. Небулони асосан денгиз қумларини йиғади. Денгиз қумларини эса танлаб йиғади. Жаҳоннинг энг йирик Амазонка, Миссисипи, Волга дарёларидан олинган қумлар ҳам унинг коллекциясида турибди.

● ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЕЗЛАШАДИГАН БЎЛДИ

«Бир дақиқани ютсанг —ҳаётни ютган бўласан!» — Сингапурдаги ўт ўчириш ва тез ёрдам хизмати ходимлари ўз вазифаларини бажараётган пайтларида ана шу қоидага риоя этишади. Бунинг учун энг зарур ҳолларда уларга хизмат кўрсатишларини сўраб телефон орқали мурожаат этадигапларнинг мушкулини янада осонлаштириш йўлини белгилашди. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб илгари эслаб қолиш қийин бўлган еттита рақамли телефон номерлари ўрнига «тез ёрдам» ва ўт ўчириш командаларини чақириш учун оддийгина 999 ва 995 рақамларни териш жорий этилди. Шифокорлар ва ўт ўчирувчиларнинг тахмин қилишларича ана шу янгилик шарофати билан медицина ёрдами кўрсатишни тезлаштириш ва ёнғинлардан кўриладиган моддий зарарни камайтириш мумкин. Ваҳоланки биргина ўтган йили ёнғинлардан кўрилган зарар 47 миллиондан знёд Сингапур долларини ташкил этган эди.

● БОТСТВАНАНИНГ БОЙЛИГИ

Ботствана саноатининг гуркираб ўсаётган тармоқларидан бири олмос қазиб олишдир. Биргина 1983 йилнинг ўзида Африка жанубидаги бу мамлакатнинг олмослари 419 миллион долларлик қимматбаҳо маҳсулотлар берди, деб ёзади Англияда чиқадиган «Гардиан» газетаси. Юқори сифатли олмос қазиб олишнинг ўсиш миқдори 38 процентни ташкил этади.

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллик юбилейи муносабати билан
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТАДИГАН
ГАСТРОЛЛАРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

21, 27 июлда — Ҳ. Ҳ. Нишзий. **«БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»** (драма).
23, 28 июлда— ЭРОБЛЕЕС асари, Т. ХЎЖАЕВ таржимаси, **«МОНСЕРРО»** (фожиа).
24, 26 июлда—З. ФАТХУЛЛИН ва Ш. САЪДУЛЛА асари, С. БОБОЕВ музикаси, **«ВАТАН ИШҚИ»** (мўзикали драма).
25 июлда — Р. Н. ГУНТЕКИН асари, М. ҲАКИМОВ, А. КОМИЛОВ таржимаси. **«БУ ТЕЛБА ХОНАДОН»** (комедия).
31 июлда— **«ТАБАССУМ ОҚШОМИ». Театрлашган музикали композиция.**
Театрнинг бош режиссёри — Баҳодир НАЗАРОВ.
Бош дирижери — Рустам ИБРОҲИМОВ.
Бош рассом— Сулаймон НАЖАФОВ.
Томошалар Муқимий номли театр биносида соат 19.30 да бошланади.
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача очиқ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН

50—60 ЙИЛЛАР НАМУНАСИДАГИ

БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ

пальтолар ва духоба полупальтолар (хотин-қизларники), **ҳар хил пойафзаллар, сомон ва фетрли шляпалар, беретлар, кепкалар, хотин-қизлар шляпалари; қулда тўқилган шол рўмоллар, плиссе юбкалар, хитой кофталари, енгсиз кўйлаклар, украинча кашта билан тикилган кўйлак ва блузкалар;**

крепдешин, крепжоржет, шифон, пан-бархат, 50 йиллар бичимидаги штапеллар, (хотин-қизлар ва болалар) **кўйлаклари;**
чесучи, шойи костюмлар (эркакларники);
ҳар хил қулқоплар (шойили, чармли, капронли, тўрли);

50 ЙИЛЛАР НАМУНАСИДАГИ

РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ:

«ЗИНГЕР» оёқли тикув машинаси;
трофейли аккордеон;
трюмо, рамкали тошойна;
мебель: этажеркалар, буфетлар, шкафлар, диванлар, сандиқлар, креслолар, столлар, стуллар, тумбочкалар, вена стуллари;
безакли ишланган каравотлар;

ранг-баранг ширмалар ва матернал билан қопланган абажурлар;
каравот устига ташланадиган гиламчалар, сунъий гуллар, гўр тўқимали буюмлар;
тўр тўқимали чойшаблар, дастурхонлар;
хитой соябонлари ва елпиғичлар;
девор соатлари ва будильниклар;
ҳар хил умивальниклар, тоғоралар, жомлар;
болалар коляскалари ва велосипедлар;
чинни ҳайқалчалар ва ҳайкалчалар, гуллар учун вазалар;
ҳар хил идишлар,
фото учун багетлар ва рамалар, токчалар, қутичалар, танга пул йиғадиган идишлар, шиша идишлар, тагликлар;
хотин-қизлар сумкалари, ҳамёнлари, майда сумкачалар ва бошқалар

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси. 1-уй (7-троллейбус, 103, 131-автобусларнинг «Ўзбекфильм» киностудияси бекати). Телефонлар: 77-09-81, 77-93-61.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АЛОҚА ВА СИМЛИ ЭШИТТИРИШ КОРХОНАСИГА
ремонт бўйича алоқа электромонтерлари ва радиолаштириш линиялари эксплуатацияси бўйича алоқа электромонтерлари.
Меҳнат ҳақи — вақтбайли;
радиотрансляцион точкаларни ўрнатиш ва ремонт қилиш бўйича алоқа электромонтерлари. Меҳнат ҳақи —ишбайли;
линиялар эксплуатацияси бўйича электромонтерлар складига 50 процентгача қўшимча ҳақ тўлаш билан кенгайтирилган зонада хизмат кўрсатиш ижозат этилади.
Корхонада меҳнатнинг мукофотли ҳақ тўлаш услуби жорий этилган.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—аҳолини ишга жойлаштириш ва ахборот бўйича марказий пункти ва Тошкент шаҳар район ижроия комитетлари қошидаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати — 2 йил, 2,5 йил; эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу соҳа бўйича таълим олганлар учун 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса ўқиш муддати — 3 йил; тикувчи-мотористка (трикотаж ишлаб чиқариш бўйича). **Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар учун 8 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.**
Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.
8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини битириб келганларга эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.
Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.
Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.
Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 16, 22, 23, 28, 3, 16-трамвайлар; 2, 9, 10, 17, 26, 56, 57, 60, 72, 88-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).
Тошкент шаҳри, Магазин—Мавзук кўчаси, 136-уй (27-трамвай; 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефон: 35-62-41.

ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ—САВДОНИНГ ИЛҒОР УСУЛИДИР

СИЗ МАГАЗИНЛАРГА ТЕЗ-ТЕЗ БОРИБ ТУРИШНИ ЁҚТИРАСИЗМИ?

Жавоб қандай тарзда бўлмасин, бир нарса жуда ҳам аниқ. У ҳам бўлса сиз магазинларга бажонидил ёки оёғингиз тортмасдан ёки яна аксинча, бир талай қувонч билан борасиз.

Албатта, кўпчилик харидорлар магазинларнинг анчагина қисми савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методига ўтганлигини мамнунлик билан таъкидламоқдалар. Бу аҳолига хизмат кўрсатишнинг энг тараққий этган шаклидир.

Савдонинг бу усули харидорларга молларни танлаб олишда анчагина қулайлик яратади, молни сотиб олиш учун сарфланадиган вақтни кўпроқ тежайди, турмушимизни енгиллаштиради.

Бугунги кунда Тошкентда 775 магазин савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишдек илғор усули билан ишламоқда. Бу метод билан молларни сотишнинг салмоғи шаҳар умумий савдо оборотининг 67,5 процентини ташкил этмоқда.

«Хизмат кўрсатиш— демак харидорга ғамхўрлик қилиш лозимдир». Савдо ходимлари аҳолига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методини ташкил қилишда ишга ижодий ёндошар эканлар, юқоридаги шиорга амал қилмоқдалар.

Ҳозирги пайтда очилаётган савдо корхоналарининг кўпчилиги савдонинг прогрессив методи бўйича ишлаш учун лойиҳаланмоқда, қурилмоқда ва жиҳозланмоқда. Бу усулда моллар харидорга жуда ҳам яқин очиқ савдога қўйилган, улар намуналарга ажратилган ҳолда сотилмоқда, моллар харидорнинг уйига етказиб берилмоқда.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР

1 АВГУСТГАЧА ТОШКЕНТДА

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ИККИ ОЙЛИК КЎРИГИ
ЎТКАЗИЛАДИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН СИЗ ҚАДРДОН ЎРТОҚЛАРДАН КЎРИКНИ ЎТКАЗИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШУВИНГИЗНИ ВА АНКЕТАНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.



1. Сиз тез-тез кириб турадиган магазиннинг ҳозирги иш тартиби сизни қаноатлантирадими? Унинг ишини яхшилаш юзасидан сизнинг мулоҳазаларингиз (магазиннинг тартиб номери ва у қайси савдо ташкилотига қарашли эканлигини ёзиб кўрсатишни унутмангиз).

2. Сиз ана шу магазинда хизматнинг қўшимча турларидан қай бирини тавсия этган бўлур эдингиз?

3. Ана шу магазиннинг савдо ходимларига нисбатан сизнинг қандай танбеҳ ёки мулоҳазаларингиз бор? (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб кўрсатинг).

4. Магазин ва унга қарашли территориянинг санитария ҳолати ҳақида сизнинг фикрларингиз?

5. Савдо зали ходимларининг шахсий гигиенаси даражаси қандай?

6. Биринчи талаб қилганингизда сизга шикоят ва мулоҳазалар дафтарини беришадими?

7. Сизни қизиқтирган масалаларни ҳал этиш учун магазин мудири билан учрашиш имконияти борми?

8. Сиз эркакларнинг савдо хизмати кўрсатишда иштирокини қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.
Тўлдирилган анкетани қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси (ташкилий бўлим).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«ТАШМЕТРОПОЛИТЕН» бошқармаси базасидаги
170-ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА СССР ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

электропоездларнинг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича электрослесарь, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандловчи, лифтларга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича электромеханик, тепловоз машинистлари, тепловоз машинисти ёрдамчиси, пассажир вагонлари проводниги, станция навбатчиси, эскалатор машинисти.

8 синф маълумоти билан билим юртига ўқишга кирганлар давлат таъминотида бўладилар, 10 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Тепловоз машинисти ихтисоси бўйича ўқувчиларга, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларга ойига 72 сўм миқдорида стипендия тўпланади.

Билим юртини битиргач ўқувчилар ўрта маълумотга ва мутахассисликка эга бўладилар, темир йўл транспорти ходимларига берилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Аълочи ўқувчилар мутахассисликлари бўйича имтиёзли шартларда олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА, ТЕМИР ЙЎЛ ПОЛИКЛИНИКАСИДА КОМИССИЯДАН ЎТИЛГАЧ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй. (11, 54, 57, 58, 67-автобуслар; 2, 3, 6, 11, 13, 14, 16-троллейбуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Киров номли парк» бекати).

Телефонлар: 55-63-20, 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—1984 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШАДИ.

ҚУРУВЧИ—ДУРАДГОРЛАР, ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил;
БУЁҚЧИЛАР (қурилиш бўйича), ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил;
ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИЛАР, ўқиш муддати 3 йил;
ЭЛЕКТР-МОНТАЖЧИ, ўқиш муддати 6 ой.
10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ.
8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ИИЛ.
Билим юртига кирган ўқувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.
Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида иш ҳақининг 50 проценти берилади.
Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.
ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун юборилади.
Билим юрти спорт базасида 13-та спорт секцияси, шунингдек техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари доимий ишлаб туради.
БОШҚА ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, 26-квартал, М. Шайхзода кўчаси.

ТВ

ЧОРШАНБА

18 ИЮЛ

● МТ I
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Эски пластинка». Катталар учун мультфильм.
19.45 «Фан ва турмуш».
20.20 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «МТнинг «олтин» фондидан». СССР халқ артисти Ц. Мансурова.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.20 «Спорт ҳафталиги».
23.50 «Дружба-84» социалистик мамлакатлар мусобақаси. Гандбол. Эркаклар. СССР—ГДР-II терма командалари. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёз саёҳатлари».
18.50 «Ветеранлар сафда». Тошкент ГЭСлари каскадининг директори Т. Кисенкова ҳақида ҳикоя (рус.).
19.10 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бир умрга тенг рақс». Ҳужжатли фильм премьераси. («Узбектелефильм»).
21.20 Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-серия..
23.55 Янгиликлар.

● УзТВ II
9.00 — 17.30 МТ II
18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Уфқ ортидаги трасса». Телефильм.
19.00 «Опералардан дуэтлар».
19.40 «Шундай рассом яшаган эди». Телефильм.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Антрацит» Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

19 ИЮЛДА

● МТ I
9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.15 «Акс-садо» Ҳужжатли фильм.
10.35 «Пётр Капица ҳақида ҳикоялар».
11.45 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бу ўша Колумбия», телефильм премьераси.
16.10 Ленинград Давлат консерваториясининг фольклор ансамбли ижро этади.
16.25 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 14-серия.
17.30 «Шахмат мактаби». «Маҳорат сабоқлари».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 Фрунзе номли Сумск машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида социал масалаларни ҳал этиш тажрибасига бағишланган кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 Халқ хори ижро этади (Никарагуа).
20.15 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Нималар деяётганингни менга фарқи йўқ». Телеспектакль премьераси (ГДР). Автор —Г. Бец. Д. Юбрих иштирокида.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Дружба-84» социалистик мамлакатлар мусобақаси. Гандбол. Эркаклар. Чехословакия —СССР терма командалари. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Энг йирик ғалаба».
11.05 «Болаликнинг сўнгги ёзи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
12.15 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун концерт.
18.40 «Педагог кадрлар маскани». К. Д. Ушинский номидаги Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти — 50 ёшда.
19.05 «Озиқ-овқат программаси— халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Э. Охунова. «Азиз юртим».
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Дадабоева ва М. Ҳасанова ижросида қўшиқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт.
22.25 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 2-серия.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/VII да **Жизель.**

КИНО

18 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЁЛИЙ БАХТ»— Санъат саройи (17, 18.30, 19.30, 20.45, телефон 44-21-74), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (17.30, 20.00, телефон 78-47-25).

«ЖАНГОВАР МАШИНА ЭКИПАЖИ» — Чайка (жуфт соатларда, 21.40; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Хива** (21.50, телефон 32-78-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ҒАЛАБАНИНГ ҚИЙМАТИ»—Ватан, Нукус (тоқ соатларда), телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.50, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 91-14-61). **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОРБИТАДАН ҚАЙТИШ» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66).

«УМИД БАҲОРИ» —Қозоғистон (тоқ соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда).

«ТАШВИШЛИ ПАРВОЗ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

17 ИЮЛЬ

«ХАЁЛИЙ БАХТ»— Санъат саройи (10.30, 12, 13.30, 14.30, 16, 17, 18.30, 19.30, 20.45, телефон 44-21-74), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 17.30, 20.00, телефон 78-47-25).

«ЖАНГОВАР МАШИНА ЭКИПАЖИ» — Чайка (жуфт соатларда, 21.40; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Хива** (21.50, телефон 32-78-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ҒАЛАБАНИНГ ҚИЙМАТИ»—Ватан, Нукус (тоқ соатларда), телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.50, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 91-14-61). **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОРБИТАДАН ҚАЙТИШ» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66).

«УМИД БАҲОРИ» —Қозоғистон (тоқ соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда).

«ТАШВИШЛИ ПАРВОЗ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири А. А. Қозиевга онаси
Кароматхон Исломовна ҚОЗИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси коллективи план бўлими бошлиғи А. С. Соатовга рафиқаси
Гулсулув СОАТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти коллективи рус тили кафедрасининг ассистенти Г. К. Файзиевага онаси
Матлуба ФАЙЗИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 ИЮЛЬ, 1984 й. Р— 08318. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12